

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАМАТОВ КАМОЛ ШАВҚИЕВИЧ

**ИССИҚХОНАЛАРДА ПОМИДОРНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

Тошкент– 2025

УЎТ: 632.7:78.632.937.635.64.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун
тайёрланган диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по
сельскохозяйственным наукам**

**Table of Contents of Doctor's Dissertation Abstract (DSc) in Agricultural
Sciences**

Маматов Камол Шавқиевич

Иссиқхоналарда помидорни зараркундалардан химоя қилишнинг
замонавий усул ва воситаларининг илмий асослари3

Маматов Камол Шавқиевич

Научные основы защиты томата от вредителей в условиях защищённого
грунта современными средствами и методами29

Mamatov Kamol Shavqievich

Improvement of scientific proven methods and means of complex pest control of
greenhouses tomatoes55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....60

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАМАТОВ КАМОЛ ШАВҚИЕВИЧ

**ИССИҚХОНАЛАРДА ПОМИДОРНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛИ ВА
ВОСИТАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

Тошкент– 2025

Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Qx43 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.t.dau.uz) ва Ziyonet Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ходжаев Шомил Турсунович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хайтмуратов Арсланбек Файзуллаевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Анорбаев Азимжон Раимкулович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Остонакулов Тоштемир Эшимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Фан доктори (DSc) диссертацияси ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: pimm@agro.uz

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2025-йил «___» «___» кунлари тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д. профессор.

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.д., профессор.

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича ҳозирги кунда помидор экиладиган майдонлар 5 млн. га дан ошди, унинг ҳосилдорлиги очик майдонда 70-100 т/га, иссиқхоналарда 180-200 т/га, гидропоника шароитида эса 250-350 т/га етмоқда. Помидор дунё миқёсида кўп етиштириладиган ва истеъмол қилинадиган сабзавот экини ҳисобланиб, 15 та асосий қишлоқ хўжалиги экинларидан биридир. ФАОнинг 2022 йил маълумотида кўра, энг кўп помидор етиштирувчи мамлакатлар Хитой (64,8 млн т), Ҳиндистон (20,6 млн т), АҚШ (12,2 млн т), Туркия (13,2 млн т), Миср (6,7 млн т) Россия (6,5 млн т) Италия (5,3 млн т) Испания (4,3 млн т), Бразилия (3,9 млн т) ҳисобланади¹. Помидор экинида бугунги кунда бир неча турдаги сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалар зарар келтириб, ҳосилдорликни 40-45% гача нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда. Ушбу зараркунандаларга қарши ўз вақтида кураш чораси олиб борилмаса юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришиб бўлмайди.

Дунё қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган иссиқхоналарда зарар келтираётган зараркунандаларнинг тур таркиби, биологик хусусиятлари, тарқалиши ва зарарини ўрганиш асосида уларга қарши самарали курашиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳонда озиқ-овқат танқислигини олдини олиш ҳамда мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш ва уларнинг сифати, ҳажми ҳамда турларини кенгайтиришда янги серҳосил навларни яратиш, агротехник қоидаларига тўлиқ амал қилиш ва ўз навбатида помидор экинидаги зараркунандаларга қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳаси олимлари олдида турган асосий вазифа илмий асосланган инновацион технологиялар асосида аҳолини сифатли ва экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Ўзбекистонда 200 минг гектардан ортиқ майдонга сабзавот экинлари етиштирилиб, шундан 65409 га майдонда помидор экини экилиб, (2,2 млн т) ўртача ҳосилдорлик гектарига 234,3 ц ни ташкил этади.² Сабзавот экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда бир қатор омиллар: зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлар салбий таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, бугунги кунда иссиқхоналарда сабзавот экинлари 10 минг гектардан зиёдрок майдонда экилмоқда. Иссиқхонада етиштириладиган помидор экинига бир неча турдаги сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалар зарар етказиб, 30-40% ҳосил йўқотилмоқда. Республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини

¹ <https://agbz.ru/news/mirovoe-proizvodstvo-pomidorov>

² Statistika byulleteni. Toshkent 2024.

таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда аҳолини сифатли маҳсулот билан таъминлашда помидорни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ҳамда 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли «Мева сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори ва 2024 йил 30 сентябр ПФ-151 сонли “Республикада агросаноат соҳасига янги бозор механизмларини жорий этиш ҳамда саноатлашган боғ ва токзорларни барпо қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий–тадқиқотлар шарҳи.

Сабзавот экинларининг асосий зараркунандалари ва уларга қарши кураш чора–тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етук илмий–тадқиқот марказлари ва илмий муассасалари: Michigan state University and Mississippi state University (Америка), Instituto Nacional de Tecnologia Agropecuaria (Аргентина), The New Zealand Institute for Plant & Food Research Limited (Янги Зеландия), Australian Plague Locust Commission (Австралия), China Agricultural University (Хитой), Всероссийский научно-исследовательский институт защиты растений (ВИЗР), Университет дружбы народов (Россия), Институт зоологии (Россия), Белорусская национальная академия, Республиканский методический центр фитосанитарной диагностики и прогнозов (Казахстан), Казахский научно-исследовательский институт защиты растений (Казахстан), Институт Зоологии (Казахстан) ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий–тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Дунёда сабзавот экинларининг зараркунандаларига қарши кураш тизимини яратишга доир олиб борилган илмий–тадқиқотлар асосида иссиқхонада помидор зараркунандаларининг тарқалиши ҳамда уларнинг тур таркиби, айрим кемирувчи ва сўрувчи доминант тур зараркунандаларнинг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари ўрганилган (Michigan state University and Mississippi state University (Америка), Australian Plague Locust Commission (Австралия), China Agricultural University (Хитой), иссиқхона хўжаликларида зараркунандаларга қарши уйғунлашган курашнинг илмий асослари ишлаб чиқилган (Россия ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий–тадқиқот институти

(ВИЗР), Қозоғистон фитосанитар диагностика ва прогнозлаш услубий маркази (Қозоғистон).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иссиқхоналардаги помидор ўсимлигида учрайдиган зараркунанда ҳашарот турлари зарари ва уларга қарши кураш бўйича G.A Carlson, B. Espinosa, I. Fazekas S. Kálmán, A.S.Hampshire, L.Kaouthar, M.Lietti, M.B. Malipatil, E. Meyrick, V. Navarro-Llopis, R. Rouzes, L. Sannino, B. Espinosa, S. Tokumoto, H.A. Белякова, Б.А. Борисов, Г.А. Жармухамедова, В.Г. Заец, С.С. Ижевский, В.Н. Жимерикин, Ю.Э. Клечковский, Ф.Я.Яркулов, Р. Ньюнзи, У.Ш. Магомедов, Ш.Х. Равадшех каби хорижий ва Д.О. Отарбаев, Лянь Е. С.Н. Алимұхаммедов, Ш.Т.Хўжаев, Т.Э.Остонакулов, Б.А.Сулаймонов, Х.Х.Кимсанбоев, А.Р. Анорбоев, Е.Ш. Торениязов, Д.А. Обиджанов каби маҳаллий олимлар томонидан изланишлар олиб борилган.

Лекин, Республикамиз шароитида иссиқхонада етиштирилладиган помидор экини зараркунандаларига қарши курашнинг замонавий усул ва воситалари ҳамда уйғунлашган химоя тизимини ишлаб чиқиш бўйича етарлича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтида КХА-9-063 «Иссиқхоналардаги экинларни зараркунандалардан химоя қилишнинг истиқболли усул ва воситаларини яратиш» (2015-2017), ВА-КХФ-5-008-2017 «Томатдошлар оиласига мансуб экинларни зарарлайдиган помидор қуясининг биологик хусусиятларини ўрганиш асосида популяция сонини бошқаришнинг илмий-амалий асослари» (2017-2020), КХА-9-004-2017 «Сабзаёт экинлари агробиоценозида зараркунандалар сонини бошқаришда уйғунлашган химоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган (2016-2017).

Тадқиқотнинг мақсади. Иссиқхоналарда помидор зараркунандаларининг тур таркиби, тарқалиши, биологик ва экологик ривожланиш хусусиятлари, келтирадиган зарари ва уларга қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

иссиқхоналардаги помидор экинида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркиби ва тарқалишини аниқлаш;

иссиқхонада зараркунандаларнинг, биологик ва экологик хусусиятлари, иқтисодий зарар берадиган миқдор мезонини белгилаш;

помидор қуясининг ривожланиш хусусиятлари, тарқалиши ва зарарлилик даражасини аниқлаш;

иссиқхоналардаги помидор зараркунандаларининг табиий қушандалари ва уларнинг тур таркибини аниқлаш;

тангақанотлилар (*Lepidoptera*) туркумига кирувчи зараркунанда ҳашаротларга қарши феромониторинг кураш усулини ишлаб чиқиш;

помидор зараркунандаларига қарши замонавий ва самарали пестицидларни биологик самарадорлигини аниқлаш;

иссиқхоналардаги помидор зараркунандаларига қарши кураш тадбирларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида помидорнинг “Каролина F₁”, “Калипсо F₁”, “Салвадор F₁”, “Дафнис F₁”, “Ламия F₁”, “Гамаюн F₁”, “Аксиома F₁”, “Ведитта F₁”, “Инфените F₁” ҳамда “Шарлота F₁” дурагайлари ҳамда уларга зарар келтирадиган тунламлар, помидор куяси, ғовак ҳосил қилувчи пашша, оққанот, занг канаси, шира, нематодалар, фойдали ҳашаротлардан: трихограмма, бракон, олтинкўз, ҳамда биологик ва кимёвий кураш усуллари олинган.

Тадқиқот предмети сифатида иссиқхонадаги помидор экинида учрайдиган зараркуанда ва фойдали ҳашаротларнинг тур таркиби, тарқалиши, биоэкологик ривижланиш хусусиятлари, иқтисодий зарар берадиган миқдор мезони, феромониторинг, агротехник, биологик ва кимёвий кураш усулларининг самарадорлиги ҳамда қарши кураш тадбирларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Лаборатория ва дала тажрибалари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Определитель вредных и полезных безпозвоночных закрытого грунта», «Методика изучения фауны и фенологии насекомых», «Вредоносность насекомых и методы ее изучения.», «Полевое изучение насекомых безпозвоночных», «Агротоксикология асослари ҳамда тадқиқот ўтказиш қоидалари» асосида бажарилган. Қўлланилган кураш чораларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги «Методика определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве» услуги асосида ҳисобланган. Олинган натижаларни математик статистик ишловлари Б.Доспехов усули бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иссиқхонада етиштириладиган помидор агробιοценозида 3 та синф, 6 та туркум, 9 та оилага мансуб бўлган 31 та турга кирувчи зараркунандаларнинг тур таркиби ҳамда тарқалиши аниқланган;

помидор куясининг ривожланиши учун фойдали ҳарорат йиғиндиси (пастки ривожланиш чегараси – 10,1°С бўлганида) тухумдан капалаккача бўлган даврда 253,0 °С га тенг бўлиши, битта авлоднинг тўлиқ ривожланиши учун ўртача 20 °С да 21,1 кун, 25 °С да 16,9 кун, ва 30 °С да эса 14,1 кун керак бўлиши ва ўсимлик гуллашнинг бошланиш фазасида зарарланганда 68,9-88,1%, мева пишишнинг бошланиш фазасида зарарланганда 41,2-44,7% ҳосил йўқотилиши исботланган;

помидор зараркунандаларининг иқтисодий зарар етказиш даражасини белгилайдиган миқдор мезони кузги тунлам 1 м² да 1 та, ғўза тунлами 100 ўсимликда 4-6 та, гамма тунлами 100 ўсимликда 7-8 та, помидор куяси ўсимлик 20-25% зарарланса, ғовакловчи пашша гуллаш даврида 1 та баргда 0,06та, мева пишиш даврида эса 0,42та ва ундан ортиқ бўлганда; жануб бўртма нематодаси: 25 г тупроқда 2-3 та, шира ўсимлик 15-20 % зарарлана

бошланганда, оққанот шоналаш даврида 20-25 % ўсимлик зарарланса, ҳамда занг канаси таркаган ҳудудларда уларнинг олдини олиш учун кураш чораларини қўллаш кераклиги аниқланган;

иссиқхонада помидор агробиоценозида 2 та синф, 6 та туркум, 10 та оила ва 14 турга мансуб табиий кушандалар (энтомофаглар) учраши аниқланган. Сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши кушандаларни 1:5, 1:10, 1:15 ва 1:20 нисбатларда қўлланилганда 54,6 – 84,8% биологик самарадорликка эришилиши аниқланган;

помидорни куядан химоя қилишда иссиқхона формугалари, ён томони ҳамда кириш эшикларига капрон сетка қоплаб, жинсий феромон тутқичларни қўллаш натижасида 91,8% ҳосил сақланиб қолиши ҳамда тунлам капалакларига қарши жинсий феромонларни башорат қилиши учун гектарига 3-5 та, химоя учун 5-30 та, капалакларни чалғитиш учун эса 300 та қўллаш усули ишлаб чиқилган;

Иссиқхона шароитида помидорда учровчи сўрувчи зараркунандаларга қарши таъсир этувчи моддаси *диафентиурон*, *бупрофезин+имидаклоприд*, *ацетамиприд*, *новалурон+бифентрин*, *абамектин* бўлган препаратлар қўлланилганда шира, оққанот, занг канасининг 85-94% камайганлиги, кемирувчи зараркунандаларга қарши *индоксакарб*, *эмамектин бензоат*, *имидаклоприд+лямдацигалотрин*, *хлоратранилипрол*, *индоксакарб+ абамектин* асосдаги препаратлар қўлланилганда тунламлар, ғовакловчи пашша ҳамда помидор куясининг 85,7-95,9% нобуд бўлиши аниқланган;

Помидорда сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши қўлланилган *абамектин*, *имидаклоприд*, *хлоратранилипрол*, ҳамда *ацетамиприд* таъсир этувчи моддага эга бўлган препаратларнинг токсик қолдиқ миқдори аниқланган.

Иссиқхона шароитида етиштириладиган помидорда учрайдиган зараркунандаларга қарши жинсий феромон тутқич қўйиш, энтомофагларни ҳамда микробиологик ва кимёвий воситаларни қўллашга асосланган кураш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

Иссиқхона шароитида етиштириладиган помидор экинига зарар етказадиган, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган асосий зараркунандалар белгиланиб, уларнинг зарарлилиги, асосий зараркунандаларга қарши хавфсиз бўлган агротехник ва биологик кураш усуллари ҳамда кимёвий курашнинг замонавий воситалари аниқланган.

Помидорда учрайдиган сўрувчи зараркунандалардан: иссиқхона оққаноти, полиз шираси ва занг канага қарши олтинкўз личинкалари 1:5 нисбатда қўлланилганида ҳар гектаридан 60,7 ц ҳосил сақлаб қолинган бўлса, 1:10 нисбатда қўлланилганида 32,0 ц. сақланган. Иссиқхонанинг формугалари, кириш эшикларини ҳамда ҳаво кириб-чиқишига мўлжалланган деразалар махсус маскитларга қарши сеткалар билан қопланиб, чалғитиш учун капалакларга қарши жинсий феромонлар қўлланилганда 91,8% ҳосил сақланиб қолинган.

Сўрувчи зараркунандаларга қарши *диафентиурон, бупрофезин+имидаклоприд, ацетамиприд, новалурон+бифентрин, абамектин* асосдаги препаратлар қўлланилганда гектаридан 173-190 ц ҳосил сақланиб қолиниб, 178451,5-195930,9 минг сўм/га. иқтисодий самарадорликка эришилган.

Иссиқхоналарда помидорнинг кемирувчи зараркунандарига қарши *индоксакарб, эмамектин бензоат, имидаклоприд+лямбдацигалотрин, хлоратранилипрол, индоксакарб+ абамектин* асосли кимёвий препаратлар қўлланилганда 237,1-239,3 ц/га ҳосил сақланиб, соф фойда 244 912,0-247 416,3 минг сўм/га. ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва дала тажрибалари умумқабул қилинган услублардан фойдаланилган ҳолда ўтказилгани, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, олиб борилган илмий тадқиқот ишлари математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Республикамиздаги иссиқхона шароитида помидор агробιοценозида учрайдаган зараркунандаларининг тур таркиби, биологик ва экологик ривожланиш хусусиятлари, келиб чиқиш учоқлари, тарқалиши, қишлоғга кетиш муддатлари ҳамда иқтисодий зарар берадиган миқдор меъзони ва уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса помидор экинидаги зараркунандаларга қарши курашда агротехник, биологик ва кимёвий препаратларни қўллаш орқали етиштириладиган ҳосилни зараркунандалар келтирадиган зарардан сақлаб қолиш ва аҳолини экологик тоза помидор билан таъминлаш ҳажмини ортиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иссиқхона шароитида етиштириладиган помидор экинига зарар етказадиган зараркунандаларини тур таркиби, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари келтирадиган зарарини ўрганиб, уларга қарши курашда замонавий усул ва воситалар ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида: “Сабзавот, полиз ҳамда картошка экинларининг зараркунанда ва касалликларига қарши кураш чоралари бўйича тавсия” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази 2024-йил 08-ноябрдаги № 05/05–04-566 сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилиб келмоқда. Помидорда учрайдиган сўрувчи зараркунандалардан: оққанот, полиз шираси ва занг канага қарши *спиротетрам+имидаклоприд, циперметрин, бупрофезин+ имидаклоприд, ацетамиприд, диафентиурон, новалурон+бифентрин, абамектин,*

индоксакарб+абамектин, циперметрин+ацетамиприд асосидаги препаратларни қўллаш Тошкент вилояти Қибрай тумани “Ғулом Ислом Файз” ф/х. – 0,2 га, “Sevara brend style” ф/х. – 0,3 га, “О.Шомурод ўғли” МЧЖ. – 1,0 га, Самарқанд вилояти Нарпай тумани “Армуғон” МЧЖ.да – 0,4 га, Андижон вилоят Андижон тумани “Саховат ерлари” ф/х. – 0,2 га ҳамда Фарғона вилояти Қувасой шаҳар “Агробизнес Агро Азия”МЧЖ. – 0,4 га, жами 2,5 га майдондаги иссиқхоналарда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази 2024-йил 08-ноябрдаги № 05/05–04-566 сон маълумотномаси). Натижада, 85,0-95,0% биологик самарадорликка эришилган ва ҳар гектарда 173,0-190,0 ц ҳосил сақлаб қолинган.

Помидорни кемирувчи зараркунандалардан (кузги тунлам, кўсак қурти, гамма тунлами, ғовак ҳосил қилувчи пашша) ҳимоя қилиш учун *индоксакарб, эмамектин бензоат, имидаклоприд+лямдацигалотрин, хлоратранилипрол, индоксакарб+абамектин, профенофос, дельтаметрин* асосли кимёвий препаратларни қўллаш Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “О.Шомурод ўғли” МЧЖ – 0,5 га, Самарқанд вилояти, Нарпай тумани “Армуғон” МЧЖ. – 0,6 га, Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, “Голд агро фреш” МЧЖ. – 0,4 га, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтида – 1,0 га (жами 2,5 га) майдондаги иссиқхонада жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази 2024-йил 08-ноябрдаги № 05/05–04-566 сон маълумотномаси). Натижада, биологик самарадорлик 84,9-94,8% га тенг бўлиб, 237,1-239,3 ц/га ҳосил сақланиб қолинган ва олинган соф фойда 244 912,0-247 416,3 минг сўм/га. ташкил этган.

Помидор куясига қарши Мекар (0,1–0,2л/га), Абамек (0,3 л/га), Алтакор (0,1–0,12л/га), Бензоат супер (0,15–0,25л/га), Конфидэт (0,5 л/га), Кораген (0,2 л/га), Аваунт (0,45 л/га). Амплиго (0,8 л/га) препаратларини қўллаш Тошкент вилояти Қибрай тумани “Sevara brend style” ф/х. – 0,4 га, Самарқанд вилояти Нарпай тумани “Армуғон” МЧЖ. – 0,6 га (жами 1,0 га) майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази 2024-йил 08-ноябрдаги №05/05–04-566 сон маълумотномаси). Натижада, 80,0-93,0% гача биологик самарадорликка эришилган ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг фойдалилиги (рентабеллик) 325-373% га тенг бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ҚХБваИММ ва ЎКваҲИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Йиллик ҳисоботлар институтнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация натижалари Республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналда, 2 та тезис республика ва 2 та тезис халқоро илмий конференция тупламларда нашр қилинган ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, олтига боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва

иловалардан иборат, диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Иссиқхонада помидор зараркунандаларининг ўрганилганлиги ва уларнинг миқдорини бошқаришдаги долзарб муаммолар”** деб номланган биринчи бобида иссиқхона шароитида етиштириладиган помидорда зараркунандаларнинг тур таркиби, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларда чоп этилган илмий изланишлар ва муаммолар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ҳудудининг агроиклимий тавсифи ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган жойларнинг иқлим шароитлари ва географик жойлашуви ҳамда тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Диссертация иши 2016–2022-йиллар давомида Ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институтида ҳамда Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги иссиқхона хўжаликларида олиб борилганлиги баён этилган.

Зараркунандалар ва уларнинг табиий энтомофаглариининг тур таркиби В.П.Палий, Г.Я.Бей–Биенко, Н.В.Бондаренко, Б.П.Адашкеевич, В.А.Трапицин ва бошқ. усуллари ҳамда ЎКҲИТИ ходимлари томонидан ишлаб чиқилган усулларда аниқланган. Иссиқхонадаги зараркунанда турларининг доминантлиги К.К.Фасулати формуласи ҳамда А.О.Сагитов услубларидан фойдаланилган. Фитофаглариининг зарари ва иқтисодий зарарли миқдор мезони (ИХЧМ)ни аниқлашда В.И.Танскийнинг услубий қўлланмасидан фойдаланилган. Зарарланиш даражаси 5 баллик тизимда аниқланган. Зарарлилик коэффициенти, олинган ҳосилнинг стандарт талабларига жавоб бериши назоратга нисбатан қуйидаги формулага асосланиб аниқланди.

$$Зк = \frac{(A - B)}{A} \times 100,$$

Бунда: $Зк$ – зарарлилик коэффициенти, %
 A – зарарланмаган ўсимлик ҳосили, г
 B – зарарланган ўсимлик ҳосили, г

Иссиқхонада помидор экинини парваришлаш бўйича барча тадбирлар ҳамда ўсимлик ўсиши ва ривожланиши, биометрик ўлчовлар, фенологик кузатувларни ўтказишда Б.Ж.Азимов, Б.Д.Азимов услубидан фойдаланилди. Қўлланилган

воситаларнинг биологик самарадорлиги К.А.Гар услубий қўлланмалари, W.Abbott формуласи ҳамда Ш.Т.Хўжаевнинг услубий кўрсатмалари ҳамда уларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлашда А.Ф.Ченкин ва В.А.Черкасовнинг услубий қўлланмаларидан фойдаланилган.

Тажрибаларнинг натижалари Б.А.Доспехов усули бўйича дисперсион таҳлил қилинди. Математик ва статистик таҳлиллар ЎКХИТИ «Математик моделлаштириш ва прогноз» лабораторияси Microsoft Excel дастури ёрдамида кўрсатган дисперсион услуб асосида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Иссиқхонада етиштириладиган помидор биоценозида зараркунандаларнинг тур таркиби, зарари ва ривожланиш хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида иссиқхонада етиштириладиган помидорда зарар етказиб яшовчи зараркунандаларнинг систематик таҳлили келтирилган. Кузатишларимиз натижаси шуни кўрсатдики, иссиқхонада экиладиган сабзавот экинларида 31 турга кирувчи: 8 тур қўнғизлар (*Coleoptera*), 10 тур капалаклар (*Lepidoptera*), 5 тур тенг қанотлилар (*Homoptera*), пашшалардан (*Diptera*) – 1 тур, 2 тур ўргимчакканалар (*Acariformes*), бўғиноёқлилар (*Arthropoda*) типига кирувчи ҳамда юмалок чувалчанглар (*Nemathelminthes*) типига, нематодалар (*Nematoda*) синфига оид 5 та тур зараркунандалар жиддий зарар келтириши аниқланган.

2016–2020 йилларда Республикада иссиқхоналар бўйича ер остки тунламлар (ундов ва кузги тунлам) помидорда неча фоиз зарар келтириши бўйича изланишлар олиб борилди. Бунда: экилган майдонга нисбатан Қорақалпоғистон Республикасида 20%, Тошкент вилоятида 31%, Наманган вилоятида 26% ни, Самарқанд вилояти 22%, Андижон вилояти 25%, Фарғона вилояти 30%, Қашқадарё вилояти 23%, Жиззах вилояти 21%, Сурхандарё вилояти 15% ҳамда Бухоро вилоятида 10%, Навоий вилоятида 9% зарар келтириши аниқланган.

Помидор гуллаш даврида ғўза тунламининг қуртлари билан зарарланган вариантда назоратга нисбатан умумий ҳосил 73,3% га, ҳар бир ўсимликдан эса 2,15 кг камайганлигини аниқланган (1-расм).



1–расм. Ғўза тунлами қуртларининг помидор меваларига етказадиган зарари

Мева тугиш даврида ғўза тунлами билан зарарланган ўсимликлар назоратга нисбатан меваларнинг 53,3% камайиши кузатилиб, ҳар 1 туп ўсимликда 1,4 кг ҳосил нобуд бўлиши аниқланган (1–жадвал).

1–жадвал

Ғўза тунламининг помидор мевасига етказадиган зарари
(Қибрай тумани «Шомурод ўғли» МЧЖ иссиқхонаси 2016–2018 йй.)


№	Помидор нави	Зараркунанда билан зарарланган ўсув даври	Қайта–риклар	1 туп ўсимликдан олинган ҳосил, кг	Назоратга нисбатан йўқотилган ҳосил	
					кг	%
1.	Видетта F ₁	гуллаш	1	0,8	2,2	73,3
			2	0,9	2,1	70,0
			3	0,8	2,2	73,3
	Ўртача		–	0,83	2,15	72,2
2.	Видетта F ₁	мева тугиши	1	1,5	1,5	50,0
			2	1,4	1,6	53,3
			3	1,3	1,7	56,6
	Ўртача			1,4	1,6	53,3
	Назорат		–	3,0	–	–

Ғўза тунламининг иссиқхона шароитида иқтисодий ҳавфли миқдор мезони мева пишиш даврида бир туп ўсимликда 0,06 тани, яъни 100 туп ўсимликда 6 ва ундан кўп қурт мавжуд бўлганда зараркунандага қарши ҳимоя қилиш тадбирларини ўтказиш кераклиги исботланган.

Иссиқхонага кузда помидор экилганидан сўнг, гамма тунламининг капалаклари ташқаридан учиб кириши ва тухум қўйиши сентябр ойининг биринчи ўн кунлигида кузатилди. Тухумдан қуртларнинг чиқиши эса, шу ойнинг 2–ўн кунлигига тўғри келиб, 30–35 кун давомида ривожланиб помидор ўсимлигига катта зарар етказган (2–расм).

Иккинчи авлод капалаklarининг учиб тухум қўйиши октябр ойининг учинчи ва ноябр ойининг биринчи ўн кунликларига тўғри келади. Ноябрь ойининг 2– ва 3– ўн кунлигида тухумдан қуртлар чиқиши кузатилди. Гамма тунламининг ўсимликдаги энг кўп миқдори октябр ойининг 3– ўн кунлиги ва ноябр ойининг 1– ўн кунлигида кузатилиб, бунда 1 та ўсимликда қуртлар сони 12–23 тани ташкил этган.

Помидор ўсимлигининг шоналаш даврида ҳар 1 туп ўсимликка 3 дона (1–2 ёшдаги) гамма тунлами қуртлари тўғри келса, олинадиган ҳосил 41,9 – 51,6%га камаяди. Иккинчи вариантда эса, 1 туп помидор ўсимлигида 4 дона (1–2 ёшдаги) қурт бўлганида, олинадиган ҳосил 60,0 – 66,6% қисми нобуд бўлиши кузатилган.



Республикамизнинг Навоий, Бухоро вилоятларидаги иссиқхоналарда **помидор куясининг** дастлабки тарқалиш ўчоғи 2015 йилда аниқланган.

Зараркунданнинг (тухум, қурт, ғумбак, 3-расм) шаклларида биоэкологик ривожланиш хусусиятлари ўрганилганда ҳаво ҳарорати ўртача 18–20°C (50–65% намлик)да 46,8 кун, 20–25°C (55–60% нисбий намлик)да 21,4 кун, 25–30°C (50–40% намлик) бўлганида 15,2 кунда 1 авлоднинг тўлиқ ривожланиши аниқланган.



3–расм. Помидор куясининг: 1–капалаги, 2–тухуми, 3–қурти, 4–ғумбаги.

Юқоридаги тажрибаларни таҳлил қилиб, помидор куясининг турли шакллари (тухум, қурт, ғумбак) учун фойдали ҳарорат йиғиндисини ўргандик. Бунда: помидор куясининг қишлоvdан чиқишини (пастки чегара) 10,1°C деб олинди. Ўтказилган тажрибаларимиздан маълум бўлдики, помидор куясининг тухумлик даври учун фойдали ҳарорат йиғиндисини 44,3°C, қурт учун 140,2 °C, ҳамда ғумбаклик даврида фойдали ҳарорат йиғиндисини 68,5°C бўлиши аниқланди. Демак, помидор куясининг тухумдан капалаккача

бўлган даври учун фойдали ҳарорат йиғиндиси 253,0 °С бўлиши кузатилган (2–жадвал).

2–жадвал

Помидор куясининг ривожланиши учун талаб этилган фойдали ҳарорат йиғиндиси (ФҲЙ), °С

(Қибрай тумани, Лаборатория тажрибаси, ЎХҚИТИ, 2017–2020 йй.)

Қайтариклар	Тухум	Қурт	Гумбак	жами 1-авлод учун
I	44,3	140,7	68,3	253,3
II	44,1	139,6	68,6	252,3
III	44,5	140,5	68,6	253,6
Ўртача	44,3	140,2	68,5	253,0

Помидор куяси баргнинг (бир текисда) паренхима тўқималари билан озиқланиб, баргнинг орқа ва олд томонидаги эпидермис қатламинигина қолдиради (4–расм). Қуртлар яшил помидор мевасини ичига кириб олиши натижасида уларнинг чиқарган ахлати ва турли хил касаллик туғдирувчи микроорганизмлар ҳисобига ўсимлик меваси чирий бошлайди.



1



2

4–расм. Помидор куясининг зарари:

1 – помидор баргини зарарлаши, 2 – помидор мевасини зарарлаши

Помидор куяси билан ўсимликлар гуллаш даврининг бошланишида зарарланганида Каролина F₁ дурагайида назоратга нисбатан ҳосилдорлик йўқотилиши 1,54 кг, яъни 68,9%, Колипсо F₁ дурагайида эса, 1,875 кг (88,1%)ни ташкил қилди. Мева пишиш даврида ўсимликлар куя билан зарарланганида ҳосилдорлик камроқ йўқотилиб, назоратга нисбатан Каролина F₁ дурагайида 0,921 кг (41,2%) ни, Колипсо F₁ дурагайида эса 0,888 кг (41,7%) ни ташкил этган (3–жадвал).

Говакловчи пашшаларнинг тур таркиби, тарқалиши, озиқланадиган ўсимликлари, биологик хусусиятлари ва зарарини ўрганиш асосида ИЗММ сифатида: агар ҳашарот ўсимликларни *гуллаш даврида* тушган бўлса – 6%, *мева пишиш* даврида эса – 42% зарарланганда ИЗММ белгиланиб, кураш ўтказиш тавсия этилган.

Иссиқхона оқанотининг зарар келтириши унинг барг юзасини эгаллаш даражасига қараб ортиб бориши маълум бўлди. Помидор ўсимлиги иссиқхона

оққаноти билан зарарланиш 1 балли ташкил этганда, 1 туп ўсимликдан 14,0%, 2 балл даражасида зарарланганида 30,1%, ўсимлик барглари зараркунанда билан 4 ва 5 балл даражасида зарарланганида эса 75,5–88,2% ҳосил камайиши кузатилган.

3–жадвал

Помидорнинг турли дурагайларида куянинг ҳосилдорликка етказган зарари (Қибрай тумани “Шомурод ўғли” МЧЖ ф/х. тажрибаси 2016–2019 йй.)

Помидор дурагайлари	Қайси даврда ўсимлик зарарланди	Бир туп ўсимликда				Назоратга нисбатан йўқотилган ҳосил, кг, %
		Зарарланган мева оғирлиги, кг	% да	Зарарланмаган мева оғирлиги, кг	% да	
Каролина F ₁	Кўчат	0	0	0	0	0
	Гуллашнинг бошланиши	0,379	54,6	0,314	45,4	1,540 (68,9%)
	Мева пишишнинг бошланиши	0,489	46,5	1,314	53,5	0,921 (41,2%)
Назорат (зарарсиз)	–	–	–	2,235	–	–
Колипсо F ₁	Кўчат	0	0	0	0	0
	Гуллашнинг бошланиши	0,223	46,7	0,254	53,3	1,875 (88,1%)
	Мева пишишнинг бошланиши	0,421	45,6	1,241	54,4	0,888 (41,7%)
Назорат (зарарсиз)	–	–	–	2,129	–	–

Олиб борилган мониторингда асосан иссиқхона шароитида полиз шираси (*Aphis gossypii* Glov.), беда ёки акация шираси – *Aphis craccivora* Koch., катта ғўза шираси (*Acyrtosiphon gossypii* Mordv), шафтоли шираси- (*Myzodes persicae* Sulz) учраши кузатилган (5-расм).

Помидор шоналаш даврида ширалар билан 1 балл зарарланганда 1м² даги ўсимликдан назорат вариантга нисбатан 7,7кг. ҳосил камайиши, зарарлилик коэффиценти ўртача 51,5% бўлиши аниқланди. Зарарланиш даражаси 2 балл бўлганда 1 м² даги ўртача ҳосил 5,7 кг.ни ташкил (назорат вариантга нисбатан 9,3кг. кам) этиб, зарарлилик коэффиценти 62,0%, 3 балл зарарланганда 10,5 кг. ҳосил йўқотилган ва зарарланиш коэффиценти 70,1% ни ҳамда зараркунанда барг юзасида 4 балл даражасида тарқалганда ҳосилдорликнинг камайиши 12,6 кг. бўлиб, зарарлилик коэффиценти 84,0%, 5 балл зарарланганда 1м² даги меваларнинг камайиши 13,7 кг. бўлиши кузатилиб, зарарланиш коэффиценти 91,3 % ни ташкил этиши аниқланган.



5-расм. Иссиқхона шаронтида етиштириладиган помидор ўсимлигида шираларнинг тарқалиши (2020-2022 йиллар маълумоти)

Мева пишиш даврида ширалар билан 1 балл зарарланганда 1м² даги ўсимликдан назорат вариант (15 кг.)га нисбатан 0,8кг. ҳосил камайиб, зарарлилик коэффиценти 5,3 %, 2 балл бўлганда 1 м² даги ўртача ҳосил 13,2 кг. ни ташкил этиб, зарарлилик коэффиценти 12,0 %, 3 балл зарарланганда 1м² дан 3,7 кг. ҳосил йўқотилиб, зарарланиш коэффиценти 24,6 %, 4 баллда зарарлилик коэффиценти 43,0, 5 баллда 65,0 % ни ташкил этгани кузатилган.

Помидор ўсимлиги *шонлаш* даврида занг кана билан зарарланса (1 балл) 1 туп ўсимликдан 2038,5 г ҳосил камайиб, зарарлилик коэффиценти 52,6%, зарарланиш 5-балл даражасида бўлса ҳосил 3307,4 г камайиб, зарарлилик коэффиценти 85,3% ташкил қилди. Зарарланиш *мева пишиш* даврида 1 балл даражасида бўлганида, ҳосилдорлик бир тупдан 703,5 г камайиб, зарарлилик коэффиценти эса 17,4% га тенг бўлди. Беш балл билан зарарланган 1 туп ўсимликда зарарланиш коэффиценти 72,4% га тенг бўлиб, 2919,4 грамм ҳосил камайиши кузатилган.

Республикаимиз иссиқхоналарда етиштириладиган помидор экинида асосан 5 та турга мансуб: *жанубий бўртма нематода*, *ерёнгоқ шиш ҳосил қилувчи нематода*, *ғўза бўртма нематодаси*, *яван бўртма нематодаси* ва *шимол бўртма нематодаси* учрайди. Булардан: жануб бўртма нематодаси кучли зарар келтириши аниқланди. Зарарланган помидор ўсимликларидан (унинг қайси даврда зарарланганлигига қараб) 71,7% дан 31,6% гача кам ҳосил олиш мумкинлиги тажрибада аниқланган.

Диссертациянинг «Иссиқхона агробиоценозида учрайдиган энтомофагларнинг зараркунандалар микдорини бошқаришда

самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида 7 та туркум, 10 та оилага мансуб 14 турдаги энтомофаглар иссиқхона экинларида учраши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган (4–жадвал).

4–жадвал

Иссиқхонадаги сабзавот агробиоценозида учровчи
энтомофаглар

№	Энтомофагнинг номи	Экин тури		
		Помидор	Бодринг	Бақлажон
<i>Hymenoptera</i> туркуми, <i>Aphelinidae</i> оиласи				
1.	Энкарзия – <i>Enkarsia formosa</i> Gan.	+	++	+++
<i>Braconidae</i> оиласи				
2.	Афидиус – <i>Aphidius matricariae</i> Hal.	+++	++	++
3.	Бракон – <i>Bracon hebetor</i> Say.	+++	++	—
<i>Trichogrammatidae</i> оиласи				
4.	Трихограмма – <i>Trichogramma pintoii</i> Voegele.	+++	++	—
<i>Neuroptera</i> туркуми, <i>Chrysopidae</i> оиласи				
5.	Олтинкўз – <i>Chrysopa carnea</i> Steph.	+++	+	+++
<i>Thysanoptera</i> туркуми, <i>Thripidae</i> оиласи				
6.	Йирткич трипс – <i>Scolothrips intermedius</i>	—	++	—
7.	Канахўр трипс – <i>Sc. acariphagus</i> Jakh.	+++	+++	+
<i>Coleoptera</i> туркуми, <i>Coccinellidae</i> оиласи				
8.	Етти нуқтали хонқизи – <i>Coccinella septempunctata</i> L.	+++	+++	+++
9.	Стеторус қўнғизи – <i>Stethorus punctillum</i> Ws.	++	++	+
<i>Diptera</i> туркуми <i>Cecidomyiidae</i> оиласи				
10.	Афидимиза галлицаси – <i>Aphidoletes aphidomyza</i> Rondani	+++	++	++
<i>Syrphidae</i> оиласи				
11.	Сирфид – <i>Syrphus corolla</i> F.	+++	++	++
<i>Acariformes</i> туркуми, <i>Phytoseiidae</i> оиласи				
12.	Фитосейулюс–йирткич каналар – <i>Phytoseiulus persimilis</i>	+	++	++
<i>Hemiptera</i> туркуми, <i>Miridae</i> оиласи				
13.	Макролофус–йирткич қандала – <i>Makrolophus</i> H. S.	++	+++	+
14.	Ориус – йирткич қандала – <i>Orius albipennis</i> Reut.	++	++	+

Изох: 1м²да 0 “—” – учрамаган; 5та “+” – кам сонда учрайди; 10та “++” – ўртача миқдорда учрайди; 15-20та “+++” – кўп -сонда учрайди.

Помидорда кемирувчи зараркунандаларнинг (кузги тунлам, ғўза тунлами, гамма тунлами ва б.) тухумларига қарши 1:20 гача нисбатда лаборатория шароитида қўлланилганда, трихограмма (*Trichogramma pintoi*) 6 кун мобайнида 100% самара бериши тасдиқланди. Бракон паразити гамма тунламининг куртларига қарши 1:10 нисбатда тарқатилганда эса, 10-куни – 61,1%, 1:5 нисбатда тарқатилганда 79,5%, 15-куни эса – 84,8% биологик самарадорликка эришилди. Олтинкўз энтомофаги полиз ширасига қарши 1:10 нисбатда тарқатилганида 15-куни 66,5% самара олинди. Кушанда зараркунандага 1:5 нисбатда қўлланилганда 5-куни 55,3%, 10-куни – 64,4%, 15-куни 73,7% биологик самарадорлик олинди. Помидор ўсимлигида помидор занг канасига қарши олтинкўз энтомофагини 1:5, 1:10 нисбатда қўлланилганда 69,3-74,1% самарадорликка эришилганлиги кузатилган.

Иссиқхона шароитида етиштириладиган помидор ўсимлигида гамма тунламига қарши микробиологик препаратлардан: Лепидацид, кук-1,5 кг/га ҳамда Вирин ХСУ сус.к. 0,3 л/га сарф меъёрида қўлланилганда 21-кунда мос равишда 78,0-78,8% гамма тунламининг нобуд бўлиши кузатилди. Помидор занг канасига қарши Биослип БТ, кук. (1,5 кг/га) ҳамда Престиж (3,0 л/га) микробиологик препаратлари қўлланилганда ушбу препаратларнинг таъсир этиш механизми узоқроқ ва давомли бўлиб, самарадорлик 21-кунда 76,9-79,8% га тенг бўлиши аниқланган.

Диссертациянинг «**Иссиқхонада зараркунандаларга қарши қўлланилган кимёвий воситаларнинг агротоксикологик асослари**» деб номланган бешинчи бобида ўрганилган зараркунандаларга қарши турли синфга мансуб бўлган препаратларни синаш бўйича олинган натижалар келтирилган.

Оққанотга қарши препаратлардан: Коло-0,1%, Амплиго-0,06%, Капито-0,025%, К-Киллер-0,06%, Эзиом-0,03%, Аппалон-0,05% ли эритмалари қўлланилганда 7-куни 91% дан ортиқ биологик самарадорлик олинди. Полиз ширасига қарши қуйидаги инсектицидлар Мавенто Энерджи, 24% к.с. – 0,8 л/га, Поло, 50% с.к. – 1,0 л/га, Капито, 50% эм.к. – 0,25 л/га, Циракс, 25% эм.к. – 0,8 л/га ва Крейсер, 20% эм.к. – 0,5 л/га қўлланилганда ижобий (85-94%) натижа бериши кузатилган.

Помидор занг канасига қарши Эффектум-Дуо, 40% к.с. – 0,15 л/га, Римон Фаст, 10% с.к. – 0,3-0,5 л/га, Гексамек, 1,8% эм.к. – 0,2 л/га, Неомектин, 3,6% эм.к. – 0,15 л/га, Капито, 50% эм.к. – 0,25 л/га ва Коло, 50% н.кук. – 1,0 кг/га сарф меъёрида 90-96% самара бериши тасдиқланди.

Иссиқхоналарда ғовак ҳосил қилувчи пашшага қарши: Алтакор, 35% с.э.г. – 0,12 кг/га, Грант, 3,6% эм.к. – 0,15 л/га, Капито, 50% эм.к. 0,25 л/га ҳамда абамектин асосидаги Вертимек – 0,2 л/га препаратлари қўлланилганда 91-93% биологик самарадорлик кузатилган.

Помидорда илдизқирқар тунламларга қарши Дельтацис, 2,5% эм.к. – 0,5 л/га, Дефентокс, 2,5% эм.к. – 0,5 л/га, Торпедо Жет, 14% эм.к. – 0,4 л/га ва Курарфон, 50% эм.к. – 1,2 л/га препаратларини кечки пайт сепиб, сўнгра енгил культивация қилиб ўсимлик тагини кўмиш ёки енгил сув қўйиш,

дорининг самарадорлигини ошириши мумкинлиги тасдиқланган.

Нематодаларга қарши Нематорин, 10% гр. ерни кўчат экиш учун тайёрлаётган пайтда 30 кг/га. дорини бир текис тақсимлаб пуркалганда ҳамда Нематозин, 30% с.к. ўрнашиб олган кўчат остига 3 марта (ҳар 15 кунда бир) 100 мл дан 0,3% лик эритма (100 л сувга 300 мл дори) қуйиб чиқилганда 85-95% биологик самарадорликка эришилганлиги исботланган.

Иссиқхоналарнинг ҳаво кириб–чиқишига мўлжалланган формугалари ҳамда эшикларини капалак, оққанот, қуш ва бошқа зараркунандалар кирмаслиги учун сеткалар ёрдамида ҳимоя қилиш помидор ўсимлигининг ашаддий зараркунандаси бўлган – помидор қуясидан ҳимоя қилишнинг аҳамияти каттадир (6–расм).



1



2



3

6–расм. 1-Зараркунанда иссиқхона ичига кириб қолмаслиги учун мўлжалланган иссиқхона кўриниши: 2 ва 3 – формугаларнинг капрон сетка билан ўралганлиги

Помидор қуясига қарши иссиқхонада агротехник тадбирлар бўйича турли вариантда тажриба ўтказилганда, қуйидагича натижалар олинди. Иссиқхона формугалари, кириш эшиклари ҳамда ҳаво кириб-чиқишига мўлжалланган деразалар махсус маскетли сеткалар билан қопланиб ҳар 1 гектар майдонга 5–30 тагача ЖФТ қўйилган майдонда: капалак зичлиги 96,6%, қуя билан зарарланган мевалар сони 91,0% га камайиб, ҳосилдорлик эса 91,8% га ошган. «Эркаксизлантириш» учун қуянинг ЖФТ 1 гектарга 5–40 тагача ишлатилган, аммо сетка билан ҳимояланмаган иккинчи вариантда, биринчи вариантга нисбатан: 1 тупдан 2,5 кг ҳосил камайиб, капалак сони – 94,0% га кўпайганлиги олиб борилган изланишларда аниқланган (5-жадвал).

**Помидор куясига қарши курашда ЖФ қўллаш технологиясини ўрганиш
натижалари**

(Дала тажрибаси, Тошкент вил., 2018-2020 йй.)

№	Вариантлар	Жами капалак сони, дона	Зарар– ланган мева қисми, %	1 ўсим– дан олинган ўртача ҳосил, кг	Назоратдан фарқи (±)
1.	Иссиқхона форамуга ва эшиклари сетка билан қопланган; 1 гектарга 5–30 тагача ЖФТ қўйилган	314	9	3,650	+3,350
2.	Шунинг ўзи , фақат иссиқхона сетка билан ҳимояланмаган; 1 гектарга 5–40 тагача ЖФТ қўйилган	5317	69	1,150	+0,850
3.	Назорат Шунинг ўзи , фақат иссиқхона ҳимояланмаган, ЖФТ қўйилмаган	9268	100	0,3	–

Помидор куясига қарши янги замон талабига жавоб берадиган неоникотиноидлар синфига кирувчи: **тизимли таъсир этиш хусусиятига эга инсектицидлар** (*абамектин имидаклоприд, ацетамиприд*) ҳамда трансламинар таъсир этиш хусусиятларига эга бўлган инсектицидларни (*спинеторам, хлорантранилипрол, индоксакарб, лямбдацигалотрин+ хлорантранилипрол, эмамектин–бензоат*) илк бора зарарунанданинг қуртига қарши синаш бўйича тажрибалар олиб борилган (6-жадвал).

**Тизимли таъсир этиш хусусиятига эга инсектицидларни помидор
куясига қарши биологик самарадорлиги**

(Дала тажрибалари, Қибрай тумани, 600 л/га, 2018-2019 йй.)

№	Вариантлар	Сарф- меъёри, л(кг)/га	Ишловгача заркунанда сони, дона	Самарадорлик, % кунларда			
				3	7	14	20
<i>Абамектин асосли препаратлар</i>							
1.	Мекар, 1,8% эм.к.	0,2	3,4	48,8	61,0	59,8	74,4
		0,3	6,2	56,6	89,4	100	95,8
2.	Абамектин, 1,8% эм.к. (андоза)	0,3	4,7	42,7	100	80,7	92,7
3.	Назорат (ишловсиз)	–	7,3	–	–	–	–
<i>Имидоклоприд асосли препаратлар</i>							
1.	Конфидэт, 20% эм.к.	0,3	5,6	72,2	86,7	82,4	36,0
		0,5	9,7	76,7	95,0	100	91,8
2.	Имидагольд, 35% с.э.к. (андоза)	0,2	8,4	91,8	92,4	98,5	88,4
3.	Назорат (ишловсиз)	–	6,1	–	–	–	–
<i>Ацетамиприд асосли препаратлар</i>							
1.	Стар, 20% н.кук.	0,3	12,4	69,4	84,8	95,2	44,2
